

**ЭКОНОМЕТРИКА ВА ИНФОРМАТИКА ФАНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ  
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА АСОСЛАВ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Сафарова Дилшодахон Эшмуҳаммадовна

Иқтисодиёт ва сервис кафедраси, Фарғона давлат универсиети

Фарғона ш., Ўзбекистон Республикаси

[\*\*https://doi.org/10.5281/zenodo.6684231\*\*](https://doi.org/10.5281/zenodo.6684231)

**Аннотация.** Уибу мақолада олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларни келгуси касбий фаолиятга тайёрлашида фанлараро интеграциядан фойдаланишининг имкониятлари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** фанлараро интеграция, ахборот-коммуникацион технологиялар, эконометрика, корреляция ва регрессия статистик таҳлил методлари, MS Excel электрон жадвали, функциялар кутубхонаси, тренд чизиги, прогнозлаш.

**МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ЭКОНОМЕТРИКИ И ИНФОРМАТИКИ НА  
ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**Аннотация.** В этой статье описываются возможности для преподавателей высших образовательных учреждений использовать междисциплинарную интеграцию при подготовке студентов к будущей профессиональной деятельности.

**Ключевые слова:** междисциплинарная интеграция, информационные и коммуникационные технологии, эконометрика, методы статистического анализа корреляции и регрессии, электронная таблица MS Excel, библиотека функций, линия тренда, прогнозирование.

**METHODS OF TEACHING ECONOMETRICS AND INFORMATICS BASED ON  
MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES**

**Annotation.** This article describes the opportunities for teachers of higher educational institutions to use interdisciplinary integration in preparing students for future professional activities.

**Keywords:** interdisciplinary integration, information and communication technologies, econometrics, methods of statistical analysis of correlation and regression, MS Excel spreadsheet, library of functions, trend line, forecasting.

**КИРИШ**

Мамлакатнинг замонавий жамиятдаги ривожланиш даражаси нафақат унинг иқтисодий салоҳияти ҳолатини, балки олий ўқув юртларида тайёрланадиган мутахассисларнинг касбий малакаси билан ҳам белгиланади. Замонавий меҳнат бозори, бўлажак мутахассисларнинг малакаси ва касбий тайёргарлигига нисбатан юқори талабларни тақдим этиб, ўз навбатида, битирувчилар ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади. Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу бир томондан фан ва техниканинг янги бўлимлари ва соҳаларининг шаклланиши билан унинг дифференциациясини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан фанлар орасида хукмрон бўлган чегараларни бузуб, интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бугунги кунда таълим жамият ҳаётида ҳар қачонгидан ҳам катта рол ўйнайди. Мамлакат тараққиётининг ўсиш суръатларини оширишга қаратилган бўлиб, бу

муаммоларни ҳал этиш аҳолининг замон талабларига жавоб берадиган юксак билим савиасини тақозо этади. Компьютер тизимидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнида университетнинг иқтисодий йўналишлари бўйича бўлажак бакалаврларга математик статистика ва эконометрияни ўқитишнинг дидактик модели математик билимлар ва процедураларни визуал моделлаштириш учун пойдевор конструксияларини қўллаш асосида амалга оширилмоқда. Дидактик тизим, методик тизим ва педагогик технология тушунчаларини бир биридан фарқларкан, педагогик технологияда мазмуний компонент заиф тақдим этилган, айнан педагогик технологияга энг муҳим белгилар: диагностик тарзда мақсадни қўйиш, натижадорлик, тежамкорлик, алгоритмланганлик, проектланганлик, яхлитлик, бошқарувчанлик, коррекция қилишлик, визуализация ҳисобланади. Эконометрикада асоси бу модел ҳисобланади айнан моделни тузиш бу педагогик услублар ёрдамида ва тизимлар ёрдамида яратиш ҳамда талабаларга модел моҳиятини талабаларга етказиб бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Талабаларга абстрак моделларни тузиш жараёнида моделни статистик маълумотлар асосида қуришни ва параметрларни баҳолай билишни ўргатиш ҳам педагогик метод ва тизимларни ташкил этиш муҳим жараёнлардан ҳисобланади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Технологиянинг концептуал жиҳати таълим мақсадларини белгилаш, уларга эришиш ғоялари, натижа талаблари, уни қуришда ишлатиладиган тамойилларни ўз ичига олади

Тадқиқотимизнинг мақсади педагогика олий таълим муассасалари талабаларига эконометрикани ўқитишнинг самарали методик тизимини ишлаб чиқиши бўлиб, ушбу ишнинг биринчи бобида натижага эришиш учун қулай бўлган асосий методологик ёндашувлар ва тамойиллар белгиланди.

Маълум бўлган ўзлаштириш, педагогик технологиялар, таълим шакллари ва усулларининг психологик ва педагогик тушунчалари мажмуи орасидан белгиланган вазифаларга, талабалар тайёргарлик даражасига, шунингдек, педагогик технологиялар талабларига тўлиқ жавоб берадаганлари танлаб олиниб, булар:

- ишлаб чиқилган концепциянинг университетнинг ҳақиқатлари ва имкониятларига мувофиқлиги;
- мавжуд педагогик жараёнга эга етарли тизимлилик ва тизимли мувофиқлик;
- технологиянинг етарлича бошқарилиши, уни таъминлаш учун диагностика воситаларининг мавжудлиги;
- такрорланишлик (бошқа бир хил турдаги шароитда технологияни қўллаш тажрибаси).

Мавжуд технологиялар ва концепцияларни таҳлил қилиш натижасида шахсий-фаолиятли технологиялар ва модулли таълим технологияси устувор аҳамият касб этди.

Технологиядаги асосий лойиҳа обьекти — бу дидактик модуль ёки ўқув мавзусидир. Ўқув курсининг лойиҳаси модулли таълим тамойилларига асосланган. Амалий дастур ўқув мазмунини таҳлил қилиш жараёнида ажратилган дидактик модуль ва ўқув элементларидан иборатdir.

Қабул қилинган таснифларга асосланиб, таҳлил ва прогноз учун қўлланиладиган эконометрик моделларнинг учта асосий синфини ажратиш мумкин бўлади, булар:

- вақт қаторлари моделлари;

- битта тенгламали регрессия моделлари;
- эконометрик тенгламалар тизимлари.

Интеграция – бу (лат. *Integratio* - “тиклаш”, “түлдириш”, “уланиш”) - қисмларни бир бутунга бирлаштириш жараёни тушинилади. Фанлараро интеграция касбий фаолиятнинг ягона, узлуксиз ва яхлит ривожланиши нұқтаи назаридан ўқув дастурларини ўзаро мувофиқлаштириш жараёни сифатида қаралиб, қобиляйтларни шакллантириш нұқтаи назаридан фанлараро интеграция бўлажак мутахассиснинг ўзини ўзи ривожлантиришининг мантиқий асосига айланади. Замонавий маънода фанлараро интеграция мантиқий йўналишдаги олий таълим ўқув жараёнининг барча таркибий қисмларини (мақсадлари, натижалари, мазмуни, шакллари ва ўқитиш усуллари)ни мувофиқлаштиришдан иборат. Шунингдек, у ўқув фанларининг мазмуни ва технологик алоқаси билан, бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятининг мазмуни ва технологиялари ўртасидаги долзарб илмий ҳамда амалий муаммолар билан тавсифланади.

Профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга таълим ва тарбия бериш, уларни танлаган касбини онгли равищда эгаллашга тайёрлаш, шунингдек, ижодий меҳнат фаолияти ва ишлаш учун таълим жараёни қандай ташкил этилганига ўқув дастурлари, синф фонди, техник ва услубий таъминот ва бошқалар таъсир қилади. Шу билан бирга, ўқув жараёни талабаларнинг ўзига хос фаол билим олишга қизиқтирадиган, уларда хошиш-истакни ўйғотадиган бўлса самарали бўлади.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўқув материали - бу педагогик жиҳатдан тўғри ва тушунарли тузилган, талабалар томонидан тўлиқ ўзлаштириладиган, аниқ белгиланган мақсадга мувофиқ билимлар тизимиdir. Олий таълимда ўқитиладиган ҳар қандай фаннинг мазмуни намуnavий дастурлар ва касбий таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги тамойиллар ҳамда талабларни белгилаши керак:

- тегишли тармоқларда қўлланиладиган фан, техника ва технологик жараёнларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболларига мувофиқлаштириш;
- таълимни ва малакали мутахассисни тайёрлашни ривожлантиришда ўқув жараёнини тўғри шакллантириш;
- умуман фаннинг илмий-техник асоси бўлган умумий ва касбий дидактика тамойилларини амалга ошириш;
- талабаларнинг техник тафаккурини ривожлантирадиган ва танлаган касбига мувофиқ бўлажак мутахассислар салоҳиятини шакллантиришга ҳисса қўшадиган таркибий қисмларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Касбий дидактика ўз навбатида қўйидаги тамойилларни ўз ичига олади: кўргазмалик, билимларнинг тизимлилиги ва изчиллиги, мавжудлик ва мақсадга мувофиқлик, ўқув жараёнда онгли ва фаол иштирок этиш, талабалар билимининг мустаҳкамлиги, назарияни амалиёт билан, таълимни ҳаёт билан боғлаш, илмий ўқитиш, талабалар билимлари самарадорлиги ва бошқалар.

Хорижлик Elisabeth J.H. Spelt ва бошқаларнинг “Олий таълимда фанлараро таълим бериш ва билим олишни тизимли қайта кўриб чиқиши” номли илмий мақоласида талабаларга ўқитиладиган фанлардан фанлараро фикрлашнинг қуи даражада эканлиги, улар икки ёки ундан ортиқ фанлардан билимларни ўзлаштириш, уларни бирлаштириш ва

мантиқий фикрлашни ривожлантиришга туртки бўладиган омиллар хусусида тўхталиб ўтишган. W.James Jacob “Олий таълимда фанлараро тенденциялар” номли мақоласида иқтисодиёт замонавий билимлар асосида қурилганлигини, бугунги кунда ҳукуматлар ва жамиятлар дуч келадиган кўплаб муаммолар ҳамда эҳтиёжларни қондиришда ёрдам берадиган малакали ишчи кучи ва етакчи кадрларни талаб қилишини таъкидлаган. Шунингдек, муаллиф олий ўқув юртлари битирувчиларни ягона таълимий манбадан фойдаланиб, барча долзарб ва юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ўргата олмаслигини, фанлараро ёндашувлар бугунги кунда олий ўқув юртлари талабаларининг жадал эҳтиёжларини қондириш учун муҳим асос бўлишини таъкидлайди.

Россиялик олимлардан Б.Н.Токуренова ва бошқаларнинг “Олий таълим талабаларини касбий-педагогик тайёрлаш сифатини оширишда фанлараро интеграциянинг омили” номли мақолада магистрларнинг касбий ва педагогик тайёргарлиги жараёнида университет кафедраларининг ҳамкорлик доирасидаги фанлараро интеграция муаммоси кўриб чиқилган. Шунингдек, тадқиқотда битирувчиларнинг фанлараро илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда ортирилган касбий компетенцияларни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти сифатида, янги, яхлит таркиби яратишни таъминлайдиган талабаларнинг тизимли фикрлаш услубига хисса қўшадиган ягона, бирлаштирувчи тамойил сифатида тушунилган фанлараро интеграциянинг моҳияти ҳамда аҳамияти очиб берилган.

### **МУҲОКАМА**

Мамлакатимиз олимларидан М.Ҳ.Лутфуллаевнинг “Олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларини интеграциялаш назарияси ва амалиёти (информатика ва табиий фанлар мисолида)” номли докторлик диссертациянинг биринчи бобида, ахборот технологиялари интеграцияси мазмуни, моҳияти ва унинг асосида ташкил бўлган педагогик тизим базасида олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, ушбу бобда электрон кўлланмалар яратишнинг педагогик ва психологик томонлари ишлаб чиқилган бўлиб, унинг анъанавий дарсликка нисбатан ўқув материалларини намойиш қилиш, уларни излаб топиш, маълумотларни тезкор ўзгаришиш ва бошқалар ёритилган.

Иқтисодиёт профилидаги бакалаврларни келгуси касбий фаолият олиб боришга тайёрлашда талабалар томонидан асосий таълим дастуридаги “Эконометрика” фанини ёки унинг алоҳида бўлимларини ўрганишни назарда тутади. Эконометрика ўқув фанининг амалий аҳамияти шундаки, у ҳодисалар ўртасидаги мавжуд алоқаларни миқдорий равишда аниқлашга, берилган шароитда иқтисодий ривожланишнинг оқилона прогнозини тузишга, мавжуд хатарларни текширишга ва уларни рақамли ҳисоблашга имкон бериб, бошқарув қарорларининг иқтисодий оқибатларини баҳолайди.

Эконометрик таҳлил иқтисодий таҳлил қилиш ва башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиб, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун имконият яратади. Эконометрика фанининг вазифаларида— талабалар турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг иқтисодиётини модернизациялаш шароитида қарор қабул қилиш жараёнларини амалга оширишда, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилишда ва ушбу соҳада вужудга келиши мумкин бўлган амалий муаммоларни ечишда эконометрик усуслар ва

моделлар ҳамда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдалана олишиň үргатышдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Эконометрика - бу оммавий иқтисодий ҳодисаларнинг математик моделлари иқтисодий назария ва ҳақиқий статистик маълумотлар асосида маълум иқтисодий фараз ларни миқдорий тасдиқлаш ёки рад этиш ҳамда тегишли иқтисодий кўрсаткичларни башорат қилиш мақсадида қуриладиган фан. Шундай қилиб, эконометриканинг тадқиқот обьекти ҳақиқий иқтисодий жараёнлар бўлиб, унинг тадқиқот предмети иқтисодиётдаги муносабатларнинг миқдорий хусусиятлари ҳисобланади.

Бугунги кунда компьютер дастурий таъминот тўпламлари, замонавий ҳисоблаш технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, статистик маълумотларни қайта ишлаш, корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш, моделлаштириш ҳамда прогноз қилиш муаммоларини сифат жиҳатидан юқори даражада ташкил этиш имконини яратади.

Корреляция – ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ва унинг кучини аниқлаш имконини берадиган статистик таҳлил қилиш методи ҳисобланади.

Регрессия – ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликнинг характерини (тўғри ёки тескари, чизиқли ёки чизиқсиз) тавсифлаш учун қўлланиладиган статистик таҳлил қилиш методи.

Эконометрик масалаларни ахборот технологиялари ёрдамида ечиш учун турли хил дастурий маҳсулотлар мавжуд. Улар қаторига: электрон жадваллар (MS Excell, OpenOffice.org Calc ва бошқалар), умумий фойдаланиш учун статистик дастурий пакетлар (SPSS, STATISTICA, STATGRAPHICS, ва бошқалар), эконометрик масалаларни ечишга ихтиосослашган дастурлар (Econometric Views, STADIA, Matrixer 3.4 ва бошқалар), умумий мақсадли математик пакетлар (Mathcad, Matlab, Maple, Mathematica ва бошқалар) киради.

Эконометрика фанини ўқитиш босқичида самарали бўлган ва эконометрик маълумотларни рақамли қайта ишлашнинг энг қулай воситаларидан бири бу Microsoft Excel электрон жадвалидир. Ушбу дастурий маҳсулот эконометрик масалаларни ечишда услубий ёрдаминг мавжудлиги, кенг оммалашганлиги, кўпгина статистик дастурий таъминот тўпламлари билан мослашувчанлиги, жуда кўп сонли математик ва статистик функциялар ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга ошира олиши, тасодифий ўзгарувчиларнинг тақсимланишини ҳисоблаш ва бошқа бир қатор афзалликларга эга ҳисобланади.

Эконометрика фани бўйича амалий машғулотлар компьютер лабораторияларида ўтказилади ва бу жараён талабалар томонидан лаборатория ишларининг бажарилишини таъминлайди. Лаборатория иши касбий йўналтирилган вазифаларни ўз ичига олиши, уларнинг ечими эконометрика курсининг мазмунини мунтазам равишда тақдим этиши ва унинг муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминлаши, талабаларга эконометрикани келгуси касбий фаолиятида муҳимлигини намойиш этиши ҳамда фанлараро интеграцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиши зарур.

Иқтисодиёт таълим йўналишлари талабаларини ўқитиш жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиб, иқтисодий масалаларни ечишда ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ)ни қўллаш, улар ёрдамида таҳлил ва қарор қабул қилишини,

иқтисодчи амалиётiga татбиқ қилиш бўйича билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга ўргатиш жараёни.

### **ХУЛОСА**

Хулоса ва таклифлар.

1. Саноат ва иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, инсонларнинг дунё қараши ўзгариб, инновацияларга муҳтоҷлиги сабабли ҳар йили олий таълим ўқув жараёнида касбий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган янги фанлар пайдо бўлиб бормоқда. Бу каби маҳсус фанларга эҳтиёж пайдо бўлганда, масалан, “Рақамли иқтисодиёт”, “Инвестиция лойиҳаларини бошқариш”, “Корхона иқтисодиёти ва инновацияларини бошқариш” ва бошқаларни бошқа цикл фанлари билан фанлараро алоқаларни топиш қийин.

2. Фанлараро интеграция орқали амалга ошириладиган касбий фаолият, талабаларни ўқитишида амалий ва лаборатория машғулотларида бажариладиган интеграл топшириқлардан мунтазам фойдаланиш билан амалга оширилса, олинган билимларни чуқур ўзлаштирилишига имкон беради. Касбий кўникмаларни мукаммал ўзлаштирган битирувчи меҳнат бозорида муваффақиятли рақобатлашиш имкониятига эга бўлиб, касбий фаолиятга оид муаммоларни ечишда креатив фикрлашга эришади.

3. Етук мутахассислар талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда интерактив педагогик усуллар, техник ва дастурий воситалар ёрдамида фанлараро интеграцияни олий таълим ўқув жараёнига жорий қилиш керак, деган фикрга қўшиладилар.

4. Таълим сифатини ошириш ва талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда инновациялардан фойдаланиш самарали натижаларга олиб келади.

### ***References:***

1. Marasulova, Z. A., Akhmedova, Z. S., Turdaliyev, S. M. (2021). Continuity and succession in teaching computer science and information technology in secondary and higher education. International Journal for Innovative Engineering and Management Research, 10(3), 201-204.
2. Аҳмедова, З., Абдуназарова, Д., Марасулова, З. (2021). Узлуксиз таълим тизимида Информатика ва ахборот технологиялари фани узвийлигини таъминлаш муаммолари. Узлуксиз таълим, 5(5), 51-56.
3. Siddikovna, A. Z., Abdullayevna, M. Z., Rozmatjonovich, Y. A. (2021). Innovations and Advanced Foreign Experiences in Teaching Informatics in Higher Education in Interdisciplinary Relations. JournalNX, 4(4), 371-374.
4. Marasulova, Z. A., & Rasulova, G. A. (2014). Information resources as a factor of integration of models and methodologies. Vestnik KRAUNC. FizikoMatematicheskie Nauki, (1), 75-80.
5. Azamovna, R. G. (2012). Elektronic textbook for the sistem of continuous education. The Edvanced Science Journal. Special issue for Korea, 41-42.
6. Azamovna, R. G. (2021). Multimedia Electronic Textbooks for Self-Study. JournalNX-A Multidisciplinary peer Reviewed Journal, ISSN-2581-4230.
7. Mallayev, R. Q. (2021). Talabalar bilimini nazorat qilish va baholashning innovatsion tizimlari. Fizika matematika va informatika, 21(2), 81-87.
8. Исмаилов, О. М., Исаков, А. Ф., Маллаев, Р. К. (2017). Алгоритм быстрого строкового сопоставления сетевых систем обнаружения вторжений. Актуальные

- проблемы оптимизации и автоматизации технологических процессов и производств, 1(1), 132-137.
9. Mashrabovich, A. A. (2022). The Importance of Using Digital Pedagogy in Higher Educational environment. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(5), 660-664.
  10. Ahmedov, A. M. (2021). Umumiy o'rta ta'lif maktablarida zamonaviy pedagogik texnologiyalar va interfaol usullardan foydalanish metodikasi. *TDPU Ilmiy axborotlari*, 21(8), 93-100.
  11. Ahmedov, A. M., Shirinov, F. S., Hasanov, A. R. (2021). Ma'lumotlarni intellektual tahlil qilishning metodlari. *Uzluksiz ta'lim*, 1(SI), 79-82.
  12. Hasanov, A. R., Ahmedov, A. M., Ziyayev, S. A. (2021). Elektron o'quv resurlarini yaratish vositalari. *Uzluksiz ta'lim*, 1(SI), 10-14.
  13. Ahmedov, A. M. (2021). Factors for developing programming skills of students. *Экономика и социум*, (2-2), 554-560.
  14. Маликова, Д. К. (2021). Систематический анализ идеологический процессов. *Innovation In The Modern Education System*, 4(1), 397-402.
  15. Malikova, D. Q. (2021). Globallashuv jarayonida yoshlar mafkuraviy immunitetini shakllantirish masalalari. *The XXI Century Skills for Professional Activity International Scientific-Practical Conference*, 1(1), 229-230.
  16. Маликова, Д. К. (2021). Биринчи ренессанснинг маънавий тарбиявий таълимотига бир назар. Масофавий таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик жиҳатлари, 1(1), 617-621.
  17. Malikova, D. Q. (2021). Sharq milliy mafkurasi rivojida g'arbiy yevropa mafkurasining o'rni. *O'zbekistonning umidli yoshlari*, 1(1), 94-95.
  18. Abdurasulovich, M. Q. Definition Of Lexical And Semantic Groups Of Judicial Discourse In Uzbek Language. *JournalNX*, 7(06), 194-198.
  19. Расурова, Г. А., Ахмедова, З. С., & Норматов, М. (2016). Методика изучения математических терминов на английском языке в процессе обучения. Ученый XXI века, 65.
  20. Ahmedova, Z. S. (2018). Ta'lif jarayonida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish. *Ta'lif va texnologiya*, 1(2), 142-145.